**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5111400 – 3.08

2016 йил “08” 08

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

_______________

2016 йил “25” 08

# ТИЛ АСПЕКТЛАРИ АМАЛИЁТИ

# ФАН ДАСТУРИ

| | | |
|---|---|---|
| **Билим соҳаси:** | 100000 | – Гуманитар соҳа |
| **Таълим соҳаси:** | 110000 | – Педагогика |
| | 120000 | – Гуманитар фанлар |
| **Таълим йўналишлари:** | 5111400 | – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) |
| | 5120100 | – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси |

**Тошкент – 2016**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “25” августдаги “355”-сонли буйруғининг 2-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “8” августдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

| | |
|---|---|
| С. Иргашева | – ЎзДЖТУ, катта ўқитувчи |
| К. Алимова | – ЎзДЖТУ, катта ўқитувчи |
| Я. Абдураимова | – ЎзДЖТУ, катта ўқитувчи |
| Н. Эшонкулова | – ЎзДЖТУ, ўқитувчи |

**Бош маслаҳатчи:**

| | |
|---|---|
| Род Болайто | – Буюк Британия, Норич тил ўқитиш институти |

**Тақризчилар:**

| | |
|---|---|
| И.Жўраева | – ЎзМУ, Хорижий филология факультети декани, ф.ф.н., доцент |
| И.Тўхтасинов | – ЎзДЖТУ қошидаги РИАИМ директори, ф.ф.н., доцент |

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2016 йил “8” июлдаги 11 - сонли баённома).

## Фаннинг долзарблиги

Фан, техника ва технологиялар ютуқлари асосида таълим тизимини ислоҳ қилишда давр синовларидан ўтган илғор тажрибаларни ўрганиш ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларни эътиборга олган ҳолда уларнинг жорий этилишини таъминлаш рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг муҳим омили саналади. Тил аспектлари амалиёти фани талабаларнинг тил моделлари ва структуралари хақидаги билимларини ошириш билан бирга асосий ўрганилаётган тил грамматикаси ва лексикасини мулоқотда тўғри қўллашни, мулоқот жараёнида грамматик ва лексик формаларни тўғри ишлатишни ўргатади. Шунингдек, ўрганилаётган чет тилидаги матнларни таҳлил қилиш йўллари ва усулларини, матнларни таҳлил қилиш борасидаги турли нуқтаи назарларни ва матн таҳлилида эътиборга олиниши лозим жиҳатларни ўргатишни назарда тутади. Ушбу фан "Коммуникатив грамматика", "Коммуникатив лексика" ва "Дискурс таҳлили" модулларини ўз ичига олади

## Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

"Тил аспектлари амалиёти" фани умумкасбий фанлар блокидаги курс ҳисобланиб, ўқув режасдаги бошқа умумкасбий ва ихтисослик фанлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда модуллар кетма-кетлиги ва мазмунига мос равишда 1-4 семестрлар давомида ўқитилади. Мазкур фан лингвистик курс ҳисобланади ва икки йил давомида уч қисмга: коммуникатив грамматика, коммуникатив лексика ва дискурс таҳлилига ажратилган ҳолда ўргатилади. Ўқув режанинг хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш, тил кўникмалари интеграцияси, методика, мамлакатшуносликка оид курслари ва ўрганилаётган чет тилининг назарий курслари - умумий тилшунослик, стилистика ва матн таҳлили, назарий фонетика, қиёсий типология, назарий грамматика фанларидан зарурий билимларни эгаллашда ушбу фан модуллари бўйича ўзлаштирилган кўникма ва малакалар муҳим аҳамият касб этади.

## Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

"Тил аспектлари амалиёти" фани "Хорижий тил ва адабиёти" (тиллар бўйича), "Филология ва тилларни ўқитиш" (роман-герман филологияси) таълим йўналишларининг асосий умумкасбий фани ҳисобланади. Олий таълим муассасасини ушбу таълим йўналишлари бўйича тамомлаган бакалаврлар Республикамиз узлуксиз таълим тизимида ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланадилар. Шунингдек, хорижий қўшма корхоналар, халқаро ташкилотлар ва уларнинг республикамиздаги бўлимлари, элчихона ва консулликлар, сайёҳлик агентликлари, нашриёт ва таҳририятлар, нотариал идоралар, таржимонлик бюроларида касбий фаолият олиб борадилар.

## Фанни ўқитишдаги замонавий ахборот ва педагогик технологиялар ҳамда ўқув машғулотларини лойиҳалаш

Фанни ўқитишда шахсга йўналтирилган таълим методи ва чет тилини ўқитишга коммуникатив ёндашувдан максимал даражада фойдаланиш талаб этилади. Машғулотларда дарслик ва ўқув қўлланмалардан ташқари аутентик материаллар: аудио, видео, газета ва журналлар, интернет манбаларидан, интерактив усулларни қўллаган ҳолда ақлий ҳужум, кейс-стади, лойиҳалар тайёрлаш, ролли ўйин, дебатлар, презентация методларидан кенг фойдаланилади.

**Фан модулининг дастури (module syllabus)**
**(Инглиз тили)**

**Намуна**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Ўқув курсининг тўлиқ номи:** | **ТИЛ АСПЕКТЛАРИ АМАЛИЁТИ** | | |
| **Курснинг қисқача номи:** | ТАА | Код: ТАА | |
| **Кафедра:** | Инглиз тилини интнграллашган ҳолда ўқитиш кафедраси | | |
| **Ўқитувчи ҳақида маълумот:** | Ф.И.Ш. Абдураимова Яйра Рустамовна | E-mail: yayra_usb@mail.ru | |
| **Семестр ва ўқув курсининг давомийлиги** | 1- 4-семестрлар, 76 ҳафта | | |
| **Ўқув соатлари ҳажми:** | **жами:** | 508 | |
| | шунингдек: | | |
| | маъруза | - | |
| | семинар | - | |
| | амалий | 304 | |
| | мустақил таълим | 204 | |
| **Ўқув курсининг статуси** | Умумкасбий фанлар блоки | | |
| **Дастлабки тайёргарлик:** | Курс таълим тизимининг олий таълимгача бўлган босқичида чет тили бўйича ўзлаштирилган билимларга асосланади. | | |

**Фаннинг предмети ва мазмуни** – Тил аспектлари амалиёти фани талабаларнинг тил моделлари ва структуралари хақидаги билимларини ошириш билан бирга асосий ўрганилаётган тил грамматикаси ва лексикасини мулоқотда тўғри қўллашни, мулоқот жараёнида грамматик ва лексик формаларни тўғри ишлатишни ўргатади.

**Фанни ўқитишдан мақсад –** Мазкур **фаннинг мақсади** талабаларга тилнинг уч муҳим аспекти: грамматика, лексика ва дискурс таҳлилини ўргатиш, уларни мулоқотда тўғри қўллаш малакаларини ривожлантириш ва тил аспектлари тўғрисидаги амалий ва назарий билимларини такомиллаштириш ҳамда эгалланган билим, кўникма, малакаларини касбий ва илмий фаолиятда эркин қўллай олишларини таъминлашдир.

**Фаннинг вазифаси** - Фаннинг **асосий вазифаси** умумэътироф этилган халқаро меъёрларга кўра талабаларнинг ўрганилаётган чет тилини B2 даражада эгаллашлари учун зарурий тил аспектларини ўргатиш ва мулоқот малакаларини ривожлантиришдир.
Мазкур фанни ўзлаштириш жараёнида талабанинг:

- чет тилини Умум Европа стандартларига кўра B2 даражада ўзлаштириши;
- грамматик ва лексик структураларни мулоқотда қўллаш, фарқлай олиш ва уларни оғзаки ва ёзма нутқда тўғри ишлатиши;
- касбий йўналиш ва ижтимоий-маданий мавзулардаги сўзларнинг маъносини билиши ва тўғри қўллай олишии;
- оғзаки нутқ ва ёзма матнларга хос хусусиятларни фарқлай олиши ва мулоқотда тўғри қўллаши;
- грамматика, лексика ва дискурс таҳлили бўйича тасаввур, билим, малака ва кўникмаларга, компетенцияларга эга бўлиши талаб этилади.

**Курснинг тематик таркиби ва мазмуни**
**1-семестр**

| Т/р | Модул 1: Коммуникатив грамматика | Модул 2: Коммуникатив лексика | Амалий | Мустақил иш |
|---|---|---|---|---|

| | Мавзу | Мавзу | | |
|---|---|---|---|---|
| | | **1-семестр** | | |
| 1. | Кириш: Силлабус. Бахолаш мезонлари | Кириш: Силлабус. Баҳолаш мезонлари. | 4 | 2 |
| 2. | От сўз туркуми ( атоқли, турдош, бирлик ва кўплик) | Суффикс ва префикслар.<br>Туб сўзлар ва абстракт отлар. Ташқи кўринишни тасвирлаш ( феъл-атвор) | 4 | 2 |
| 3. | От сўз туркуми ( қўшма отлар, | Ташқи кўринишни тасвирлаш ( феъл-атвор) иборалар. Қўшма сифатлар. | 4 | 4 |
| 4. | Олмош сўз туркуми | Қўшма отлар. От бирикмалари ва кўмакчи сўз қўшилмали феъл. | 4 | 2 |
| 5. | Сифат ва Равиш сўз туркуми | Давлатлар, миллатлар ва тиллар. Узунлик ва ўлчов бирликлари. Муваффақият, мағлубият ва қийинчиликлар. | 4 | 4 |
| 6. | Сон сўз туркуми | Анъаналар ва урф-одатлар.<br>Шарт, сабаб, мақсад ва натижа. | 4 | 4 |
| 7. | Ноаниқ артикл. | Гуруҳдош отлар. Қиёслаш ва солиштириш ва қўшимча маънолари. | 4 | 2 |
| 8. | Аниқ артикл | Саналмайдиган ва саналадиган отлар. Кўплик шаклидаги отлар. Саналмайдиган ва саналадиган отларнинг турли маъноларда келиши. | 4 | 2 |
| 9. | Кўмакчи сўзлар ва келишиклар | Озиқ-овқат. | 4 | 2 |
| 10. | Боғловчилар ва ундалмалар | Соғлом ва носоғлом овқатланиш тартиблари. | 4 | 4 |
| 11. | Сўз тартиби ( Гап тартиби) | Ўлчов бирликлари. Шахсий фикр, шакл, ранг, вазн, хомашё. | 4 | 4 |
| 12. | Биринчи даражали сўз бўлаклари. | Саналмайдиган отларни саноқли отларга айлантириш. | 4 | 2 |
| 13. | Иккинчи даражали сўз бўлаклари. | Касалликлар ва тиббиётга оид вазиятлар. | 4 | 2 |
| 14. | Феъл. Ноаниқ замон (хозирги, ўтган ва келаси) | Гап боғловчилари.<br>“Look” феъли билан иборалар. | 4 | 2 |
| 15. | Давомий замонлар. (хозирги, ўтган ва келаси) | “Get” феъли билан иборалар. Сифатдаги тенг боғловчилар (-дек/-дек) | 4 | 2 |
| 16. | Тугалланган оддий замон. | Матнга оид сўзлар. Тақлид сўзлар. | 4 | 4 |
| 17. | Тугалланган давомли замон. | Ўзгармас сўз бирикмалари. Умумий ўзгармас иборалар. | 4 | 2 |
| 18. | Сўроқ гап турлари<br>(умумий, махсус ва таъкидли сўроқлар) | Истак ва эътироз, хоҳиш. | 4 | 4 |
| 19. | Кўчирма гап ва ўзлаштирма гап. | Ҳис-туйғу ва кайфиятга, муоммоли вазиятларга оид иборалар. | 4 | 2 |
| **1-семестр бўйича жами** | **38** | **38** | **76** | **52** |
| | | **2-семестр** | | |
| 1 | Ўзлаштирма гапдаги феъллар. | Вақт, оила, турмуш ва ажралиш | 4 | 4 |
| 2 | Эргашган қўшма гаплар. | Мажбурият, эхтиёж, имконият, | 4 | 2 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | эҳтимоллик даражаси. | | |
| 3 | Нисбат. (Аниқ ва ноаниқ нисбатлар) | Ишонч ва ғоя | 4 | 4 |
| 4 | Модал феъллар. | Таълим. | 4 | 4 |
| 5 | Ўтган замондаги модал феъллар. | Давлатлар, миллатлар ва тиллар. | 4 | 2 |
| 6 | Used to / would | Фразеологик феъллар билан ишлатиладиган иборалар. | 4 | 2 |
| 7 | Феълнинг ноаниқ формалари. | Таътил. | 4 | 2 |
| 8 | Феълнинг бошланғич шакли. (Инфинитив) | Шаҳарлар. | 4 | 2 |
| 9 | Феълнинг бошланғич шакли. (Герундий) | Саёҳат қилиш. | 4 | 2 |
| 10 | Равишдошлар. | Белги ва эълонлар тили. | 4 | 4 |
| 11 | Шарт майли қўшма гаплар. Бошланғич шакли. | Санъат. | 4 | 2 |
| 12 | Шарт майли қўшма гаплар. Иккинчи ва учинчи шакли | Спорт. | 4 | 2 |
| 13 | Шарт майли қўшма гаплар. Аралаш қўшма гаплар. | Интернет мавзусига оид сўзлар. | 4 | 4 |
| 14 | Prefer, would rather and had better. | Мультимедиа воситалари. | 4 | 2 |
| 15 | Нореал ўтган замон, истаклар. | Мақоллар. Сўзларга оид мақоллар. | 4 | 2 |
| 16 | Эргашган қўшма гаплар. | Аббревиатура ва акроним сўзлар. Иборалар “do and go” | 4 | 2 |
| 17 | Мураккаб гаплар. | Омофон сўзлар. | 4 | 2 |
| 18 | Феъл-кесим. | Таассуротларга асосланган ёзма иш. | 4 | 4 |
| 19 | *Модуллар асосида ягона тест* | *Модуллар асосида ягона тест* | 4 | 2 |
| **2-семестр бўйича жами 38** | | **38** | **76** | **50** |
| **Умумий** | | | **152** | **102** |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **3-семестр** | | | | |
| **Коммуникатив лексика** | | **Дискурс таҳлили** | | |
| 1. | Фанга кириш. Силлабус. Баҳолаш мезонлари | Фанга кириш: дискурс турлари. Ёзма ва оғзаки турлари. | 4 | 2 |
| 2. | Ўзбекистоннинг дунёда тутган ўрни. Мавзуга оид сўзлар. | Ёзма дискурснинг турли жанрларининг характеристикаси. | 4 | 4 |
| 3. | Ўзбекистоннинг дунёда тутган ўрни. Аббревиациялар. (TESOL, ELT, html) | Ёзма дискурснинг турли жанрларининг характеристикаси. | 4 | 4 |
| 4. | Ўзбекистоннинг дунёда тутган ўрни. Мавзуга оид сўзлар. | 1-топшириқ. Матн таҳлили. | 4 | 4 |
| 5. | Иш ва тижорат. Касбга оид сўзлар. | Матнда гапларнинг мантиқий боғланиши.Илова қилиш. | 4 | 2 |
| 6. | Иш ва тижорат. Иборалар. | Матнда гапларнинг мантиқий боғланиши.Илова қилиш. | 4 | 2 |
| 7. | Иш ва тижорат. Сўз бўлаклари. | Эллипсис (сўз бўлагининг гапда тушиб қолиши) ва алмаштириш. | 4 | 4 |
| 8. | Иш ва тижорат. Ўзгармас иборалар. | Сўз ва гап боғловчилари. | 4 | 2 |
| 9. | От, сифат ва олмош сўз туркуми. Предлоглар. | Такрорлаш ва оралиқ назорати. | 4 | 2 |
| 10. | Атроф-муҳит ўзгаришлари. | Шакл ва вазифа. | 4 | 4 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | (Британия ва Америкага хос сўзлар) | | | |
| 11. | Атроф-муҳит ўзгаришлари. Касбга оид атамалар. | Матнда мавзу ва қофия | 4 | 2 |
| 12. | Атроф-муҳит ўзгаришлари. Лексик муносабатлар. | Матнда замон ва аспект. | 4 | 4 |
| 13. | Муносабатлар. Антоним сўзлар. | Матндаги лексик боғланиш. | 4 | 2 |
| 14. | Муносабатлар. Омоним сўзлар. | Ёзма матнда грамматик ва лексик боғланиш. | 4 | 2 |
| 15. | Муносабатлар. Синоним сўзлар. | Ёзма матнда грамматик ва лексик боғланиш. | 4 | 4 |
| 16. | Муносабатлар. Синоним сўзлар. | Ёзма матнда грамматик ва лексик боғланиш. | 4 | 2 |
| 17. | Муносабатлар. Фразеологик феъллар. (get on, take up, run out) | Матндаги модал феълларни қўллаш. | 4 | 2 |
| 18. | Муносабатлар. Фразеологик феъллар. (get on, take up, run out) | Матндаги модал феълларни қўллаш. | 4 | 2 |
| 19. | *Модуллар асосида ягона тест* | *Модуллар асосида ягона тест* | 4 | 2 |
| | **4-семестр** | | | |
| 1 | Оммавий ахборот воситалари: турли хил идиоматик иборалар | Ёзма ва оғзаки дискурс орасидаги ўхшашлик ва фарқлар | 4 | 2 |
| 2 | Оммавий ахборот воситалари: идиоматик оғзаки нутқ иборалари | Нутқ вазифаларини турли хил хусусиятлари(ёзма алока) | 4 | 4 |
| 3 | Оммавий ахборот воситалари:мулохаза билдириш;сухбатда жавоб;вакт олиш учун,қайтариш учун мос иборалар | Оғзаки дискурснинг фонологик хусусиятлари, урғу,интонация,тон ва пауза | 4 | 2 |
| 4 | Оммавий ахборот воситалари:иборалар ва луғавий бирликлар | Нутқ вазифалари, хусусиятлари, оммавий нутқнинг дискурс хусусиятлари | 4 | 2 |
| 5 | Этика муаммолари, тиббиёт, фан ва технология,тиббиётга оид сузлар | 1-топшириқ | 4 | 2 |
| 6 | Этика муаммолари,тиббиёт,фан ва технология,фанга оид сузлар | Оғзаки нуткнинг мулоқот хусусиятлари, одоб, мослик, иккиланиш, прагматик боскичлар | 4 | 4 |
| 7 | Этика муаммолари, тиббиёт, фан ва технология, технологияга оид сузлар | Навбат алмашиш | 4 | 2 |
| 8 | Этика муаммолари, тиббиёт, фан ва технология; Гипонимлар (масалан: атроф-мухит муаммолари, CO2 чиқармалари, ҳаво ифлосланиши ва хоказо) | Интервьюлар | 4 | 4 |
| 9 | Оралиқ назорат | Оралиқ назорат | 4 | 2 |
| 10 | Таълим.Мавзуга оид сўзлар | Тил ва гендер:Гендер нутқ | 4 | 4 |
| 11 | Таълим. Жадвал.Келишувлар | Тил ва гендер:Гендер нутқ | 4 | 2 |
| 12 | Таълим.Мувофиқлик ва корпусга оид ресурслар | Синфхона тили | 4 | 4 |
| 13 | Таълим.Мувофиқлик ва корпусга оид ресурслар | Маданият ва риторика | 4 | 2 |
| 14 | Ижтимоий масалалар;жамият | Маданият ва риторика | 4 | 4 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | турлари | | | |
| 15 | Ижтимоий масалалар; Хуқуқ, Жиноятчиликка оид сўзлар | Реклама | 4 | 2 |
| 16 | Ижтимоий масалалар; Касбга оид сўзлар | Ёзма ва оғзаки кўрсатмалар (инструкциялар) | 4 | 2 |
| 17 | Ижтимоий масалалар; Инглиз тилида сленг ва уларнинг ишлатилиши | Ёзма инструкциялар | 4 | 2 |
| 18 | Ижтимоий масалалар; Инглиз тилида сленг ва уларнинг ишлатилиши | Ёзма инструкциялар | 4 | 2 |
| 19 | Якуний назорат | Такрорлаш; Якуний топшириқ | 4 | 2 |
| 3-семестр бўйича жами 38 | | 38 | **76** | **50** |
| **Умумий 76** | | **76** | **152** | **102** |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Таълим бериш ва ўқитиш услуби:** | Маъруза, амалий машғулотлар, мустақил ишлар (айлана стол, кейс стади, мастер-классслар) | | |
| **Мустақил ишлар:** | | | |
| **Маслаҳатлар ва топшириқларни топшириш вақти** | Кунлар | Вақти | Ауд. |
| **1.** | | | |
| **2.** | | | |
| **3.** | | | |

**Билимларни баҳолаш усуллари, мезонлари ва тартиби:**

**ЖН ва ОН нинг баллари ишчи дастурда берилади**

| | |
|---|---|
| **Баҳолаш усуллари** | Тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар ва ҳ.з. |

**Фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш**

**Назорат шакллари**

Баҳолаш турлари фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда сўровлар, оғзаки савол-жавоб, ёзма иш, тест синовлари ёки бошқа кўринишда ўтказилиши мумкин.

**Фан бўйичаталабалар билимини баҳолаш мезони**

**1-семестр**

| **Д. Тил аспектлари амалиёти** | ***1. Коммуникатив грамматика*** | ***2. Коммуникатив лексика*** |
|---|---|---|
| Жорий назорат 40% | *Аудиторияда бажариладиган машқ ва топшириқлар, уй вазифалари, портфолио, кундалик, лойиҳалар, интервью ва ролли ўйинлар- 20%* | *Давомат ва аудиторияда бажариладиган машқ ва топшириқлар, уй вазифалари (сўзларни контекстда ишлатиш учун машқлар (матн/жадвал тўлдириш, муайян феълларни қўллаш учун саҳна кўринишлари)ни* |

| | | |
|---|---|---|
| | | *бажариш -10%*<br>*компьютер тести-10%* |
| Оралиқ назорат 30% | *Турли тест методларидан ташкил топган тестлар (матнларга асосланган машқлар: матнни тўлдириш, хатоларни аниқлаш ва ҳ.к.)-15%* | *Лексик билим ва кўникмаларнинг ривожланганлигини назорат қилиш бўйича тест -15%* |
| Якуний назорат 30% | *Модуллар асосида ягона тест* | |

**2- семестр**

| **Д. Тил аспектлари амалиёти** | ***1. Коммуникатив грамматика*** | ***2. Коммуникатив лексика*** |
|---|---|---|
| Жорий назорат 40% | *Аудиторияда бажариладиган машқ ва топшириқлар, уй вазифалари, портфолио, кундалик, лойиҳалар, интервью ва ролли ўйинлар-20%* | *Давомат ва аудиторияда бажариладиган машқ ва топшириқлар, уй вазифалари (сўзларни контекстда ишлатиш учун машқлар (матн/жадвал тўлдириш, муайян феълларни қўллаш учун саҳна кўринишлари)ни бажариш -10%*<br>*компьютер тести-10%* |
| Оралиқ назорат 30% | *Турли тест методларидан ташкил топган тестлар (матнларга асосланган машқлар: матнни тўлдириш, хатоларни аниқлаш ва ҳ.к.)-15%* | *Лексик билим ва кўникмаларнинг ривожланганлигини назорат қилиш бўйича тест -15%* |
| Якуний назорат 30% | *Модуллар асосида ягона тест* | |

**3- семестр**

| **Д. Тил аспектлари амалиёти** | ***2. Коммуникатив лексика*** | ***3. Дискурс таҳлили*** |
|---|---|---|
| Жорий назорат 40% | *Давомат ва аудиторияда бажариладиган машқ ва топшириқлар, уй вазифалари (сўзларни контекстда ишлатиш учун машқлар (матн/жадвал тўлдириш, муайян феълларни қўллаш учун саҳна кўринишлари)ни бажариш -10%*<br>*компьютер тести-10%* | *Матн таҳлили бўйича вазифалар-20%* |
| Оралиқ назорат 30% | *Лексик билим ва кўникмаларнинг ривожланганлигини назорат қилиш бўйича тест -15%* | *Оғзаки матн таҳлили-15%* |
| Якуний назорат 30% | *Модуллар асосида ягона тест* | |

**4- семестр**

| **Д. Тил аспектлари** | ***2. Коммуникатив лексика*** | ***3. Дискурс таҳлили*** |
|---|---|---|

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | **амалиёти** | | | |
| | Жорий назорат 40% | *Нотаниш матндан сўзларнинг маъносини топишга йўналтирилган машқлар (сўз ясалиши, мослаштириш, сўзларнинг контекстда қўлланилган маъносини фарқлай олиш учун манбалардан (луғатлар)фойдаланиш -15% компьютер тести-10%* | *Матн таҳлили бўйича вазифалар-15%* | |
| | Оралиқ назорат 30% | *Лексик билим ва кўникмаларнинг ривожланганлигини назорат қилиш бўйича тест- 15%* | *Ёзма матн таҳлили-15%* | |
| | Якуний назорат 30% | *Модуллар асосида ягона тест* | | |
| **Фанга доир видео маърузалар, видео роликлар:** | | | | |
| **Глоссарийлар:** | | | | |
| **Ахборот ресурс база:** | | | | |

## АСОСИЙ ҚИСМ

### Фаннинг амалий машғулотлари мазмуни

### Модул 1. Коммуникатив грамматика модули

Коммуникатив грамматика модули талабаларга 1-2 семестрлар давомида ўқитилади. Мазкур модул талабаларнинг тил моделлари ва структуралари хақидаги билимларини ошириш билан бирга ўрганилаётган тил грамматикасини мулоқотда тўғри қўллашни, мулоқот жараёнида грамматик формаларни тўғри ишлатишни ўргатади.

Модул мазмуни:

- грамматикструктуралар (содда, мураккабвақўшмагапларваҳ.к.) нимулоқотдақўллаш;
- структураларнифарқлай олиш, уларни оғзаки ва ёзма нутқда тўғриишлатиш;
- ўрганилаётган тил грамматикаси моделваструктураларинингўзига хосхусусиятлариниажратаолиш ва уларни ўзлаштиришучунўз она тили тизими билан таққослаш;
- мулоқотдаграмматик хатоларга йўл қўймаслик;
- мустақил равишда ўрганилаётган тил грамматикасига оид ўқув адабиётларидан унумли фойдаланаолишкабимуҳимжиҳатларниўзидааксэттиради.

### Модул 2. Коммуникатив лексика (сўз бойлигини ошириш) модули

Коммуникатив лексика модули 1-4 семестрлар давомида ўқитилади. Мазкур модулнинг мақсади талабаларнинг луғат бойлигини ошириш ва луғат бойлигини бойитиб боришнинг мақбул усулларидан фойдаланишни ўргатиш хамда ўрганилаётган чет тили лексикасининг мулоқотдаги хусусиятларини фарқлаш ва мулоқотда қўллай олиш қобилиятларини ривожлантиришдир.

Ушбу модул мазмунини:

- таниш бўлган мавзу контекстида сўз маъносини англаш (воқеалар баёни, ҳис-ҳаяжон, мақсад, истак, хоҳиш ва ҳ.к.);
- таниш, иш ва кундалик ҳаётга тааллуқли бўлган мавзуларда (оила, севимли машғулот, иш, саёҳат ва ҳ.к.) сўз ва ибораларни тўғри қўллай олиш;
- шахсий қизиқишлари, мутахассислиги ва ижтимоий-маданий мавзуларда қўлланиладиган сўзларнинг талаффуз қоидаларини (товушларнинг ўқилиш қоидаси, урғу ва ҳ.к.) ўзлаштириши ва мулоқот жараёнида ишлатиши;
- шахсий қизиқишлари, касбий йўналиши ва ижтимоий-маданий мавзулардаги сўзларнинг маъносини билиши ва тўғри қўллай олиши;
- ибора ҳамда оғзаки нутқ да қўлланиладиган сўзларнинг кўчма ва тўғри маносини билиши ва тўғри қўллаш;
- луғат бойлигини ошириш учун манбалар (луғатлар, регистрлар, сўз кўрсаткичлари ва бошқалар) дан фойдаланиш каби муҳим тамойиллар ташкил этади.

**Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича**
**кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларини ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

амалий машғулотларининг мақсадини аниқ белгилаб олиш;

ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;

талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;

талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;

амалий машғулотлари нафақат аниқ мавзу бўйича билимларни якунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи ҳамдир.

**Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати**

**1- курс давомида:**

- синонимлар, антонимлар, омонимлар;
- сўз оилалари (мас., ҳайвонот оламига оид сўзлар);
- турғун бирикмалар;
- идиоматик тил бирликлари;
- адабий тил ва шева (диалект) ўртасидаги фарқлар;
- лексик тизим;
- сўз ясалиши хусусиятлари;
- қисқартмалар;
- предлоглар.

**2 курс давомида:**

- услубларни бир-биридан фарқлашга йўналтирилган қатор идиоматик тил бирликлар ва оғзаки сўзлашувдаги сўзлар;
- жаргон ва идиомаларни қўллаш;
- ибора ва ифодаларни мулоқотнинг турли вазиятларида ишлата олиш (мулоқотга киришиш учун сўз навбати олиш, вақтдан ютиш мақсадида муқаддима ва хулоса ибораларини ишлатиш каби);
- тингловчини чалғитмаган ҳолда сўзларга эквивалент бўлган терминларни қўллаш;
- лексик боғлиқлик - синоним, антоним, омонимларни ўринли қўллай олиш;
- лексик бирликлар;
- маълум мавзуга доир сўзлар йиғиндиси (*атроф-муҳит, инсон характери ва б.*);
- ўзгармас иборалар ва лексик бирликлар;

- маълум бир сўзнинг диалектларда  турлича қўлланилиши;
- фразеологик бирликлар,  феъллар;
- сўз ясалишининг ўзига хос хусусиятлари;
- қисқартма сўзлар;
- сўз бирикмалари;
- генетик жиҳатдан бир оилага мансуб сўзлар;
- профессионал ва академик терминология
- контекстга мос бўлган ҳамда  корпус-анализбазасидаги сўзларни тўғриишлатиш;
- луғат билан ишлай олиш (бир ва икки тилли, китоб/электрон/онлайн луғатлар);
- нотаниш сўз маносини контекстдаги маъносига кўра тахминан аниқлай олиши;
- ўрганишнинг турли усуллари (ёдлаш, кунлик режа, ассосиация орқали ўрганиш ва ҳоказо) дан  тўғри фойдалана олиши лозим.

## 3. Дискурс (матн)  таҳлили

Мазкур модул 3-4  семестрларда ўқитилади. Модулнинг  асосий мақсади ўрганилаётган чет тилидаги матнларни таҳлил қилиш  йўллари ва усулларини, матнларни таҳлил қилиш борасидаги турли нуқтаи назарларни ва матн таҳлилида эътиборга олиниши лозим жиҳатларни ўргатишдан иборат.

Модул мазмунини:
- ўрганилаётган чет тили тилидаги ёзма ва оғзаки матнларни қиёслай олиш;
- турли матнларнинг фонологик, лексик, грамматик хусусиятларини билиш;
- ёзма матнларнинг ўзига хос хусусиятларини ажрата олиш;
- оғзаки нутқ ва ёзма матнларга хос хусусиятларни фарқлай олиши ва мулоқотда тўғри қўллаш;
- матндаги социолингвистик аспектларни ажрата олиш сингари муҳим жиҳатлар ташкил этади.

**Модул мазмуни**

Модулни ўқитишда ўрганилаётган чет тили ёзма матнларининг турли кўриниш ва турларидан, шунингдек,  оғзаки мулоқот жараёнида қўлланиладиган усуллардан кенг фойдаланилади.

Ёзма дискурс (матн):

- турли жанрларнинг ўзига хос хусусиятлари (масалан, илмий-оммабоп асарлар, газета мақолалари, бадиий адабиёт ва б.)
- ўзаро  лексик муносабат  (лингвистик омилларнингқўлланилиши);
- матнда сўзлар мутаносиблиги;
- расмий, норасмий, махсус матнлар;
- грамматика ва дискурс; (матнда грамматик категорияларнинг қўлланилиши)
- ёзма нуткда грамматика ва лексикани қўллаш ( матн тузишда сўз ва грамматик категорияларни танлашга таъсир курсатувчи асосий омиллар (масалан: аудиенция, матннинг қандай аудитория ва ким учун мўлжалланганлиги, ёзма матннинг мақсади ва ҳ.к.);

Оғзаки дискурс (матн):

нутқ ва унинг функциялари ҳамда уларнинг  ўзига хос хусусиятлари:
- *оғзаки мулоқот*  -  телефон суҳбатлари (бизнес ёки шахсий масалаларда), хизмат кўрсатиш шаҳобчалари (дўконлар, кассалар ва ҳ.к.), интервьюлар (ишга жойлашишда, журналист сифатида,  расмий вазиятларда),  кундалик мулоқотлар (нотаниш кишилар, дўстлар, қариндошлар билан), кишиларга йўл кўрсатиш, маслаҳат бериш (ишда, уйда, кўчада);

- *оғзаки нутқ - монологлар (нутқлар, ҳикоялар, ҳазил-мутойибалар)*, иш-ҳаракатни ифодаловчи тил бирликлари (иш- ҳаракат бажарилаётгандаги нутқ: бирон нарсани тузатиш жараёнида, овқат тайёрлаётганда, бирон нарса ясаётганда ҳ.к), аудиорияда (мактаб синфхонасида) қўлланадиган нутқ (дарсда, семинар машғулотларида, маърузаларда, қўшимча дарсларда);
- грамматика ва оғзаки дискурс (олдиндан тайёрланмаган нуткда грамматиканинг ўрни);
- оғзаки нутқнинг фонологик хусусиятлари: урғу, интонация, пауза, б.
- Мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари: мулойим сўзлашиш, сўзларда боғлиқликни таъминлаш: иккиланиш ва прагматик стратегиялар (гапни тўлдириш ёки изоҳ бериш);

Социолингвистикомиллар

- мулоқот таҳлили: мулоқот жараёнида бошқа мавзуга йўналтириш стратегиялари (усуллари);
- тил важинс: хотин қизлар нутқи ва эркак киши нутқи ўртасидаги фарқ ва уларнинг ўзига хосликлари;
- новербалмулоқот: мимика ва жестлар тили, кўзорқалимулоқот, имо-ишоралар.

**Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

**Курс ишини ташкил этиш**

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режада режалаштирилмаган.

**Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил иш мавзулари ўқитувчилар ва талабалар томонидан ишлаб чиқилади. Мавзулар талабани мустақил билим олишга онгли равишда йўналтириши лозим. Шунингдек, ҳар бир ишчи ўқув дастурида талабанинг мустақил ўқиб ўрганишига вазифа ва топшириқлар кўрсатиб ўтилади ва уларни бажариш учун аниқ кўрсатмалар мисоллар ёрдамида берилади. Тилни ўрганиш жараёнида талаба интерфаол усуллар воситасида мустақил таълим олишга рағбатлантирилади ва мустақил фикрлаш талаб қилинади. Бунда ўқитувчи билим берувчи ва баҳоловчи сифатида эмас, балки фасилитатор (инглизча facilitate сўзидан олинган бўлиб, бирор бир жараённинг боришига яхши таъсир этувчи ва унга мос шарт-шароитлар яратиб берувчи) сифатида намоён бўлади. Талабадан фан бўйича мустақил ўрганган билимларини аудиторияда турли хил интерактив услублар орқали намойиш қила олиши ва бошқаларга ўргата олиши талаб этилади.

**Тавсия этиладиган мустақил таълим мавзулари**

- Грамматик структуралар (содда, мураккабвақўшмагапларваҳ.к.) нимулоқотдақўллаш;
- Структураларни фарқлай олиш, уларни оғзаки ва ёзма нутқда тўғри ишлатиш;
- Ўрганилаётган тил грамматикаси модел ва структураларининг ўзига хос хусусиятларини ажрата олиш ва уларни ўзлаштириш учун ўз она тили тизими билан таққослаш;
- Ибора ҳамда оғзаки нутқда қўлланиладиган сўзларнинг кўчма ва тўғри маносини билиши ва тўғри қўллаш;
- Луғат бойлигини ошириш учун манбалар (луғатлар, регистрлар, сўз кўрсаткичлари

ва бошқалар)
- Фразеологик бирликлар, феъллар;
- Сўз ясалишининг ўзига хос хусусиятлари;
- Қисқартма сўзлар;
- Сўз бирикмалари;
- Қариндош ва бир оилага мансуб сўзлар;
- Профессионал ва академик терминология
- Контекстга мос бўлган ҳамда корпус-анализ базасидаги сўзлар;
- Турли жанрларнинг ўзига хос хусусиятлари (масалан, илмий-оммабоп асарлар, газета мақолалари, бадиий адабиёт ва б.)
- Ўзаро лексик муносабат (лингвистик омилларнингқўлланилиши);
- Матнда сўзлар мутаносиблиги;
- Расмий, норасмий, махсус матнлар.

## Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти

Мазкур дастурда ҳар бир модул мазмунидан сўнг машғулотларни самарали ташкил этиш ва мавзуларни ўқитиш технологиялари келтирилган. Амалий машғулотларда ақлий ҳужум, кластер, блиц-сўров, кичик гуруҳларда ишлаш, инсерт, презентация, кейс стади каби усуллардан кенг фойдаланилади. Модуллар 100% ўрганилаётган тилда ўқитилади.

### Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

### Асосий адабиётлар

**Инглиз тили**
1. McCarthy, M. and O'Dell, F., Redman, S. English Vocabulary in Use (intermediate and upper) Cambridge: CUP (3rd edition) UK, 2012
2. Malcolm Mann, Steve Taylore-Knowles Destination (book 3 & 4) Macmillan Education UK, 2013
3. McCarthy, M. Discourse Analysis for Language Teachers. Cambridge: CUP. UK, 2009

**Немис тили**
1. Perlmann-Balme Michaela, Susanne Schwalb. Sicher! B1+.Kursbuch. Hueber Verlag. München. 2012
2. Braun-Podeschwa Julia., Habersack Charlotte., Pude Angela. Menschen. B1. Hueber Verlag. München. 2014.
3. Dreyer/Schmitt. Lehr- und Übungsbuch der deutschenGrammatik. Hueber Verlag. Ismaning. Deutschland. 2009.

**Француз тили**
1. Bernadette Chovelon, Marie Barthe. «Expression et style», Presses Universitaires de Grenoble, 2010
2. Catherine Flumian, Josiane Labascoule, Serge Priniotakis, Corinne Royer «Nouveau Rond Point 2 méthode de français basée sur l'apprentissage par les tâches B1» Paris, Maison des Langues, 2012

**Испан тили**
1. MOZAS, Antonio Benito Ejercicios de sintaxisEdaf S.A. España 2001
2. ESCANDELL VIDAL, M. Victoria EscandellIntroduccion a la Pragmatica (Spanish Edition) Paperback. Ariel, España 2006
3. Luis Aragonés, Ramón Palencia. Gramática De Uso Del Español. Nivel A. Ediciones Sm. España 2014.
4. Marta BaraloOttonello, Marta GenísPedra. VocabularioNivelElemental.A 1-A2. Anaya ELE. España 2013.

### Қўшимча адабиётлар

**Инглиз тили**
1. Elaine Walker, Steve Elsworth (2000) Grammar Practice for Upper Intermediate Students, Edinburg, Longman
2. GuisiCavellaro (2002) Exploring Grammar in Context, Cambridge, CUP
3. Jay Maurere, (2006) Focus on Grammar 4 (An Integrated Skills Approach), Pearson, Longman
4. Jay Maurere, (2006) Focus on Grammar 5 (An Integrated Skills Approach), Pearson, Longman
5. Michael Swan, David Baker, (2008) Grammar Scan, Oxford, OUP
6. Ruth Gairns, Stuart Redman, (2009) Oxford Word Skills, Oxford, OUP

**Немис тили**
1. Ute Koithan u.a. Aspekte B1 Langenscheidt Verlag. Berlin.Deutschland. 2007.
2. Krenn Wilfried., Puchta Herbert. Ideen. Hueber Verlag. Ismaning. 2011.
3. EM. Brückenkurs. Hueber Verlag. Ismaning. Deutschland.2008.
4. Hering Axel. *Em*. Übungsgrammatik. Hueber Verlag.Ismaning. Deutschland. 2002.
5. Paul Rusch. Einfach Grammatik. Übungsgrammatik Deutsch. A1 bis B1.Langenscheidt, Berlin und München, 2007
6. Olga Sverlova. Grammatik und Konversation. Langenscheidt, Berlin und München,2006

**Француз тили**
1. Cotherine Dollez, Sylvie Pons «Alter ego+3 méthode de français B1» Hachette français langue étrangère
2. Régine Mérieux, Michèle Barféty «Compréhension Orale 1». CLE lnternational France
3. Emmanuel Lainé, Yves Loiseau «Latitudes 2 méthode de français B1» Les Editions Didier Paris.
4. Абдушукурова З., М.Нишонов ва б., Manuel de Français «Opinion originale I» .Тошкент, 2013.

**Испан тили**
1. .LuizAragonés. Ramón Palencia. Gramática de uso de Español. Nivel A 1-A 2. España 2007.
2. Concha Moreno. Carmen Hernandez. Gramática.Nivelmedio B 1. Anaya ELE 2008.
3. Francisca CastoViúdez. Nivel A 1. ISBN 9788434893511. España 2007.
4. Francisca Cárdenas Bernal. Vocabularioactico. ISBN 3125133211. España 2003.
5. А.В.Киселов. Грамматика испанского языка. ISBN 9785992501780. Россия.

**Интернет сайтлари**

**Инглиз тили**
1. www.teachingenglish.org.uk
2. www.onestopenglish.com
3. www.businessenglishonline.net
4. www.elgazette.com
5. www.tesol.org
6. www.tefl.com
7. www.teachertrainingvideos.com
8. www.learnenglish.org.uk
9. www.educationuk.org
10. www.bbc.co.uk\worldservice\learningenglish/
11. www.channel4.com\learning
12. www.better-english.com\exerciselist.html
13. www.bbc.co.uk\worldservice\learningenglish\business\index.shtml
14. www.englishclub.com\index.htm
15. education.leeds.ac.uk\edu-mwe/eltwww.htm
16. www.Grammarly.com/Grammar
17. www.macmillanenglish.com/readers

**Немис тили**
1. www.mein.deutsch
2. www.hueber.de/aspekte
3. www.deutsch.unterricht.de

**Француз тили**
1. http://www.bonjourdefrance.com/
2. www.francaisfacile.com
3. http://www.aidenet.eu/grammaire07.htm
4. http://www.lefrancaispourtous.com/ex_noms_composes.htm
5. http://www.lefrancaispourtous.com/concession1.htm
6. https://fr.wikipedia.org/wiki/Anglicisme
7. http://test.psychologies.com
8. http://www.aidenet.eu/grammaire07.htm

**Испан тили**
1. www.google.es
2. www.marco.ele
3. www.cervantes.es